

**Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кўрган
шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари
1-босқич	Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кўрган шахс, унинг вакили ёхуд давлат органи	Ижтимоий реабилитация қилиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссияга мурожаат қилиш	Заруратга кўра
2-босқич	Идоралараро комиссия	Ижтимоий реабилитация бўйича ёрдам бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш	5 иш куни мобайнида
		Хужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳолда тақдим этилган тақдирда етишмаётган ҳужжатлар ёки тақдим этилган ҳужжатларда ноаниқликлар мавжудлиги тўғрисида хабардор қилиш	Ариза олинган кундан бошлаб 2 иш куни мобайнида
		Қабул қилинган қарорни ижтимоий реабилитация қилиш чораларини кўриш учун давлат органига ёки муассасага юбориш	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 иш кунидан кечикмай
		Қабул қилинган қарор тўғрисида ариза берувчини хабардор қилиш	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 2 иш куни мобайнида
3-босқич	Ижтимоий реабилитация бўйича масъул орган	Идоралараро комиссиянинг қарори ижросини ташкил этиш	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 иш куни мобайнида
		Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кўрган шахсларга ижтимоий реабилитация бўйича ёрдам бериш	Ижтимоий реабилитация қилиш учун белгиланган муддатларда
		Ижтимоий реабилитация бўйича ёрдам берилганлиги тўғрисида идоралараро комиссияга ёзма шаклдаги ахборотни юбориш	Ижтимоий реабилитация қилингандан кейин 1 иш куни мобайнида